

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЛАРИДА ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТУШУНЧАСИННИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Зиёда Тулқуновна Иноятова
Судьялар олий мактаби тингловчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикасида замонавий биноларни қад кўтарилишида худудлардаги биноларни тарихий қиймати ва қадимги бино ва иншоотларнинг аҳамияти, ўрни, динамик жараёнда уларга эътибор берилishi ҳамда меъморий қиёфасининг сақланиши, реконструкция жараёнида ўзгаришлари тарихий обидалар қаторига ўтказишдаги аҳамияти. Уларга таъриф беришда муҳим элементларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: шаҳарсозлик, урбанизация, интеграция, режалаштириш, геоахборот, агломерация, инфраструктура

ABSTRACT

This article deals with the historical value of buildings in the regions and the significance of ancient buildings and structures, their role in the dynamic process and preservation of the architectural appearance, the significance of changes in the reconstruction process for a number of historical monuments. When defining them, attention is paid to their important elements.

Keywords: urban development, urbanization, integration, planning, geoinformation, agglomeration, infrastructure

КИРИШ

Тарихий шаҳарларни қайта қуриш лойиҳалаштириш ва уларни бажаришда ушбу худудларни пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши жараёнидаги эволюцион ўзгаришларни туб моҳиятини таҳлил этиш катта аҳамиятга эга. Бунда тарихий шаҳарларнинг икки асосий жиҳатларини; ўзак ва сунъий ўзгаришлар киритилган жиҳатларни ажратган ҳолда, айни вақтда комплекс тарзда таҳлил этиш мақсадга мувофиқ. Мамлакатимиз заминидаги кўплаб шаҳарлар узоқ тарихга эга. Ушбу худуднинг аксариятида ҳозирги кунда ҳам ҳаёт давом этмоқда ва янгидан-янги замонавий биноларни қад кўтарилишига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу жараён айниқса 2016-2017 йиллар давридан бошлаб жуда сезиларли даражада авж олмоқда. Бундай худудларда турли тарихий ва бадиий қийматларга эга қадимги бино ва иншоотлар ҳам мавжуд. Замонавий шароитда уларнинг баъзилари сақланади, қийматга

эга бўлмаганлари бузилиб, ўрнига янги иморатлар қурилади. Тарихий жойларнинг меъморий қиёфаси ўзгариши жараёнида тарихий қўча ва майдонларни янгилаш зарурати пайдо бўлади. Чунки улар замонавий талаблар параметрига мос келмай қолади. Шаҳарларда доимий динамик жараёнлар, яъни жиддий ўзгаришлар бўлиб туради. Шаҳарларнинг фазовий ўзгаришини назорат қилиш қадими шаҳарларда пайдо бўлгандан бошлаб мавжуд бўлиб келган. Санъат инқилобига қадар шаҳарларни мудофаа деворлари муҳофаза қилиб турилган. Кейинчалик яшил ҳалқалар пайдо бўлган. Тарихий шаҳарларнинг ривожи қайта қурилиш жараёнида тарихий манбаларга таянган ҳолда уч асосий ҳолат қузатилинган:

Биринчиси, шаҳар бир ҳудуддан бошқа яқин ҳудудга кўчади масалан, қадимги Шош ва илк ўрта асрларда минг ўрик Тошкент.

Иккинчидан, шаҳарнинг бир қисмида тарихий тизим ўзгартирилди масалан, Кўқоннинг жанубий-ғарбий қисми Рус шаҳарлари.

Учинчидан, шаҳарга туташ ҳолда янги ҳудуд қўшилди XIX асрнинг 2-ярмидаги Тошкент, Самарқанд шаҳарлари.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Юридик соҳада ҳар битта сўз ўз таърифи билан асосланган ҳолда ишлатилинади. Икки маънога эга сўз туркуми изоҳланади ва таърифи берилади. Шаҳарсозлик (шаҳар қуриш) меъморликнинг йирик соҳаси, шаҳар бунёд этиш назарияси ва амалиёти аҳоли яшайдиган ҳудудлар (турап жойлар)ни лойиҳа асосида режалаштириш, шаҳарсозлик ижтимоий-иқтисодий, санитария гигиена, қурилиш техника, бадиий меъморий масалалар мажмуини қамраб олади. Шаҳарсозлик мажмуи меъморчилик ва қурилиш бунёдкорлиги, жамиятнинг ижтимоий тизими ва ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёт даражаси, маданияти, табиий иқлим шароитлари ва миллий ўзига хослиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан 11 сентябрь 2023 йилдаги «Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ҳамда 2023-2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-299-сон Қарори имзоланди. Унга кўра, ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштиришга доир ишлаб чиқиладиган ҳужжатларнинг қуидаги даражалари белгиланмоқда: биринчи даражада — ҳудудларнинг рақобат устунлеклари ва барқарор ривожланиш драйверларини аниқлаб берувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бош схемаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш схемалари, шунингдек, шаҳарлар (шаҳарчалар) ва шаҳар атрофи зоналари

интеграцияси асосида Агломерацияларни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилади; иккинчи даражада — шаҳарлар (шаҳарчалар) ва шаҳар атрофи зоналари интеграцияси асосида шаҳарларнинг (шаҳарчаларнинг) бош режалари, шунингдек, қишлоқ, аҳоли пунктларининг ҳудудларини шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемалари ишлаб чиқилади; учинчи даражада — ҳудудларнинг аниқ муаммоларини бартараф этишга йўналтирилган, ўзида шаҳарсозлик, ижтимоий-иктисодий, экологик ва бошқа лойиҳа ечимларини мужассамлаштирган мастер режалари ёки батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида Урбанизация ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш Республика маркази ташкил этилмоқда. Унинг асосий вазифалари: ҳудудларнинг жорий ҳолатини аниқлаш, аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачилик функцияларини амалга ошириш; аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва улардан фойдаланишнинг умумий ёндашувлари, мезонлари ва методологиясини ишлаб чиқиши ташкил этиш; Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш; «Давлат шаҳарсозлик геоахборот тизими» идоралараро геоахборот дастурий комплексини юритиш ва оператор функциясини бажариш, шунингдек, ушбу тизимга маълумотларни жойлаштириш, сақлаш, фазовий маълумотлар алмашинувини таъминлаш ва улардан фойдаланиш хуқуқларини бошқариш.

2023 йилда шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг бош режалари ҳамда қишлоқ аҳоли пунктларининг схемаларини ишлаб чиқишига 115 миллиард сўмгача сарфланган.

2024 йил 1 январга қадар қўйидаги имкониятларга эга «Шаҳарсозлик геоахборот тизими» (кейинги ўринларда – Тизим) ишга туширилади: ҳудудларнинг барча ижтимоий-иктисодий маълумотлар турларининг ЗД-визуал кўринишини шакллантириш ва комплекс таҳлил қилиш; ҳудудларни консервация, реконструкция ва реновация зоналарига ажратиш, геофазовий маълумотларни жойлаштириш орқали аҳоли пунктларининг «рақамли эгизаклари»ни яратиш; бош режаларни ва жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш жараёнларини рақамлаштириш; қурилишга рухсат берувчи ҳужжатларни бериш жараёнларини тўлиқ рақамлаштиришга ўтказилади.

2024 йил 1 июлдан бошлаб: ишлаб чиқиладиган барча аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ва объектларнинг лойиҳа ҳужжатлари, шунингдек, уларни келишиш ва ўзгартиришлар тўғрисидаги маълумотларни Тизимга жойлаштириш тартиби жорий этилади; ер майдонларини ажратиш ва аукцион орқали сотиш фақат улар жойлашган ҳудудлар тўғрисидаги маълумотлар Тизимга киритилгандан сўнг амалга оширилади.

2024 йил 1 июлга қадар куйидагиларни назарда тутувчи «Менинг худудим» электрон платформаси ишлаб чиқилади:

- «Менинг худудим» электрон платформасида манфаатдор вазирлик ва идораларнинг шахсий кабинетларини яратиб, улар фаолиятига тааллуқли бўлган маълумотларни маҳалла кесимида рақамили шаклда киритиш;
- аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ва мастер режаларини ишлаб чиқишида жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда овоз бериш механизмини жорий этиш;
- худудларда маҳаллий аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларининг шаҳарсозлик ва тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли ташабbusларини акс эттирувчи тизим жорий этиш.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Ушбу йилда мўлжалланган кенг қамровли ишлар йил дастурига киритилган ҳолда ҳукумат томонидан амалий татбиқ этилиш босқичлари кетма-кет амалга оширилади.

Тошкентда Ўзбекистон шаҳарсозлик лойиҳалаш ва илмий текширув институти, Тошкент Бош тарих лойиҳалаш ва илмий текширув институтлар фаолият кўрсатади. Ҳозирги кескин ўзгаришлар ва шаҳарсозлик фаолиятидаги ислоҳотлар, қурилишлар, инфраструктуранинг ўзгаришларига ҳукумат фаолиятида юқоридаги ташкилотларнинг ҳеч бири ўз эксперт хулосаси ёки қарорлари билан ёзма равишда таклиф ва тавсиялари билан кенг жамоатчилик кенгашига маълумот берилмаганлиги ачинарли ва ҳозирги кунга қадар бош режани ишлаб чиқилмаганлигини мулоҳаза қилсақ, буни ортида манфаатлар ётмаганига шубҳа пайдо булади. Чунки бош режа қурилишларга чекловларни яратади, яъни қурилиш объектлари хилма-хил бўлишини талаб қиласди. Ҳамма жойга ёппасига турар жой ёки меҳмонхона қуриб ташланмайди. Умуман олганда, бош режа инфратузилма балансини сақлайдиган ҳужжат ҳисобланади. Умумий ҳужжат тасдиқланмас экан, шаҳарсозлик соҳасида қабул қилинган барча норматив ҳукуқий ҳужжатлар хам такомиллашишни талаб қиласди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятининг бутун тизимини қайта ташкил этиш керак, шаҳарсозлик норматив-ҳукуқий ва институционал базани янада такомиллашириш, шаҳарсозлик ҳужжатларини сифатини ошириш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Моддий-техника базаси юқори даражада бўлган ва ўз фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация

технологияларидан лойиҳа ташкилотларнинг кенг миқёсли худудий тармоғи мавжуд эмаслиги, илғор хорижий тажриба, архитектура ва дизайн соҳасидаги ютуқлардан, шунингдек, инновацион дастурий ечимлардан етарлича фойдаланмаслиги шаҳарсозлик ҳужжатларни лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш сифатида салбий таъсир кўрсатмоқда. Буларнинг ҳаммаси қурилиш соҳасида давлат маблағлари ва ресурсларидан фойдаланишига олиб келмоқда. Ушбу камчиликларни тузатиш ушбу соҳанинг ривожланишига, кенгайишига ҳамда давлат бюджетини ўсишига олиб келади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси. 2021 йил 23 май. Тошкент. -112 б.
2. Президент томонидан 11.09.2023 йилдаги «Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ҳамда 2023-2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-299-сонли Қарори.
3. Тошпўлатова. Б.Р. Тарихий шаҳарларни қайта қуриш ва шаҳарсозлик жараёнларини такомиллаштириш. International journal of theoretical and practical research. ISSN 2181-2357. T.2.№3.2022 81-87.
4. Жўраев, Ў. Ш., & Турсунов, Қ. Қ. (2020). Фарғона вилояти тарихий шаҳарларидаги турар-жой биноларида ганч ва ёғоч ўймакорлигининг шакилланиши ва ривожланиши. Science and Education, 1(3), 264-267.
5. Sagdullayevich, R. S., & Adilov, Z. H. (2021). Landscape Works in the Aral Sea Region Effective Organization. Middle European Scientific Bulletin, 19, 41-45.
6. Косимов, С., Урмонов, Б., & Раҳмонов, Д. (2021). Туристское районирование территории основной фактор развития туризма. Scientific progress, 2(3), 125-128.
7. Adilov, Z. X., & Akromova, M. S. (2021). Landscape solutions about highways. Экономика и социум, (5-1), 36-38.
8. Дадашева А.А. Main directions of implementation of public control over the activity of governors in the conditions of civil service reform. *Academic research in educational sciences*, 117-122.